Оғир тоифадаги ёшлар билан ишлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди

// 10 Oktabr 2024 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/ogir-toifadagi-yoshlar-bilan-ishlash-chora-tadbirlari-muhokama



Бугун «Ўзкимёсаноат» АЖнинг махсус ишчи гуруҳи ҳамда Паркент тумани ҳокими ўринбосари Бахтиёр Соатов ва Ёшлар ишлар агентлиги туман бўлими вакили билан учрашув ўтказилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон-2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларга эътибор қаратилди.

Хусусан, Жамиятга бириктирилган 26 нафар ёшни оғир тоифадан чиқариш бўйича чора-тадбирлар режаси ижроси кўриб чиқилди.



«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати